



“BIOKIMYO” АЖ
акциядорларнинг 2016 йил 28 июндаги
умумий йиғилиши қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

М.Ў.

Умумий йиғилиш раиси Э.Уралов

**“BIOKIMYO” АЖ нинг хомийлик ва бегараз ёрдам кўрсатиш
шартлари, миқдори ва тартиби**

1. Хомийлик ва бегараз ёрдамни амалга ошириш мақсадлари:
 - фуқороларни ижтимоий жихатдан қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш, шу жумладан аҳолининг ижтимоий жихатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий ахволини яхшилаш, ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
 - жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш;
 - аҳолини табиий офатлар, экология, саноат халокатлари ёки бошқа халокатлар оқибатларини бартараф этишга, бахтсиз ходисаларни олдини олишга;
 - атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш;
 - маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш;
 - террорчилик ҳаракатлари, табиий офатлар, экология, саноат халокатлари ёки бошқа халокатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;
2. Хомийлик ва бегараз ёрдам қилиш тақиқланади:
 - тижорат ташкилотларига, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга пул маблағлари ҳамда бошқа моддий маблағлар бериш, уларни қўллаб-қувватлаш;
 - сайловолди ташвиқоти ва референдумга қўйилган масалалар бўйича ташвиқот мақсадида хомийлик қилиш;
 - қонунга зид бўлган ҳар қандай фаолиятни хомийлик воситасида қўллаб-қувватлаш.
 - акциядорларнинг умумий йиғилишида ва жамиятнинг бизнес-режасида белгиланган доирадан ташқари ва кузатув кенгашининг қарорисиз хомийликни амалга ошириш;
3. Хомийлик ва бегараз ёрдамни амалга ошириш миқдори ва тартиби:
 - хомийлик мақсадларида берилган маблағлар жамиятнинг бизнес-режасида белгиланган миқдор доирасида амалга оширилиши;
 - акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган миқдор доирасида, фақат кузатув кенгашининг қарори билан амалга ошириш;
 - акциядорлар учун амалга оширилган хомийликлар бўйича маълумотларни (хомийлик маблағлари ўтказилган кундан сўнг 10 кунда) жамиятнинг расмий веб-сайтида ошкор этиш;
 - хомийлик мақсадларига йўналтирилган маблағларнинг ҳисобини юритиш ва чораклик, йиллик ҳисоботларда акс эттириш;
 - хомийлик мақсадларида маблағларнинг ўтказилиши, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майдаги “Хомийлик тўғрисида”ги ЎРҚ-96 сонли Қонуни бўйича амалга оширилади.